

## Ҳажби ҳирмон бўладиган меросхўрлар



10:42 / 15.12.2024 726

Ҳажби ҳирмон бўладиган қариндошларни эркагу аёлларга бўлиб кўриб чиқамиз.

### **Эркаклар:**

- 1. Саҳиҳ бобо.** Саҳиҳ бобо ота сабабли ҳажби ҳирмон бўлади. Яқин бобо узоқ бобони ҳажб қилади ва ҳоказо.
- 2. Туғишган ака ёки ука.** Туғишган ака ёки ука ота билан ҳам, эркак меросхўр фаръ билан ҳам ҳажб бўлади (ўғил, ўғилнинг ўғли ва ҳоказо).
- 3. Ота бир ака ёки ука.** Булар ҳам туғишган ака ёки уканинг ҳажб қилувчилари билан ҳажб бўлади. Яна улар туғишган ака ёки ука ва асаба маъал-ғойр бўлган опа ёки сингил билан ҳам ҳажб бўлишади, чунки асаба маъал-ғойр бўлган опа ёки сингил бу пайтда мерос олиш ва ҳажб қилиш жиҳатидан туғишган биродар қувватида бўлади.
- 4. Она бир ака ёки ука ва она бир опа ёки сингил.** Буларнинг бари асл ва фаръ билан ҳажб бўлишади. Асл эркак бўлиши шарт – ота, бобо, қанча юқориласа ҳам. Фаръ эркак ва аёл бўлиши мумкин – ўғил, қиз ва ҳоказо.
- 5. Ўғилнинг ўғли.** Ўғилнинг ўғли ўғил билан ҳажб бўлади. Шунингдек, ҳар бир ўғилнинг ўғли ўзидан кўра яқинроқ ўғил сабабли ҳажб бўлади. Ўғилнинг ўғлининг ўғли ўғилнинг ўғли билан ҳажб бўлади ва ҳоказо.

**6. Туғишган ака ёки уканинг ўғли.** Ота, бобо, ўғил, ўғилнинг ўғли, туғишган биродар ва ота бир биродар сабабли ҳажб бўлади.

**7. Ота бир ака ёки уканинг ўғли.** Бу туғишган ака ёки уканинг ўғли ҳажб бўлган сабаб билан ҳажб бўлиб, бунга қўшимча туғишган биродарнинг ўғли сабабли ҳам ҳажб бўлади.

**8. Туғишган амаки.** Ота бир биродарнинг ўғли билан ва ота бир биродарнинг ўғлини ҳажб қилувчи одамлар сабабли ҳажб бўлади.

**9. Ота бир амаки.** Туғишган амаки сабабли ва туғишган амакини ҳажб қилувчи кишилар сабабли ҳажб бўлади.

**10. Туғишган амакининг ўғли.** Бу ҳам юқоридагидек ота бир амаки ва ота бир амакини ҳажб қилувчи одамлар сабабли ҳажб бўлади.

**11. Ота бир амакининг ўғли.** Бу туғишган амакининг ўғли билан ва туғишган амакининг ўғлини ҳажб қилувчи одамлар билан ҳажб бўлади.

#### **Аёллар:**

**1. Момо.** Онанинг онаси ёки отанинг онаси она билан барча ҳолатларда ҳажб бўлади.

**2. Ўғилнинг қизи.** Битта ёки кўп бўлсалар ҳам, ўғил билан ҳажб бўлишади. Яна икки ёки ундан кўп қизлар сабабли ҳам ҳажб бўлишади. Фақат қуйида келадиган ўринда асаба қилувчи бўлса, ҳажб бўлишмайди.

**3. Туғишган опа ёки сингил.** Булар ота билан ва эркак меросхўр фаръ билан ҳажб бўлади (ўғил, ўғилнинг ўғли ва ҳоказо).

**4. Ота бир опа ёки сингил.** Туғишган опа ёки сингил асаба маъал-ғойрга айланган бўлса, шулар сабабли ҳажб бўлади. Яна ота, эркак меросхўр фаръ билан ҳамда туғишган икки опа-сингил, агар учдан иккини тўлдириш учун олса, булар билан ҳам тўсилади. Лекин асаба қилувчи топилса, ҳажб бўлмайди.

**5. Она бир опа ёки сингил.** Булар эркак асл ва эркак ва аёл меросхўр фаръ билан ҳажб бўлишади.

**«Ислом шариатида мерос илми» китобидан**

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 24 августдаги 03-07/5163-рақамли ҳамда 2022 йил 27 сентябрдаги 03-07/7348-рақамли

хулосалари асосида тайёрланган.